

4/2022,
iyul-
avgust



МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШГА САРФЛАНГАН ХАРАЖАТЛАР АУДИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МУАММОЛАРИ

Умиркулов Бердиёр Бобоевич

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали
доценти в.б., PhD. Самарқанд, Ўзбекистон. umirkulov68@mail.ru*

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss4/a5

Аннотация

Мақолада маҳсулот сифати билан боғлиқ харажатлар аудитини ташкил этиш методологияси, маҳсулот таннархи, калькуляция, соҳавий хусусиятлар, сифатни таъминлашдаги харажатлар аудити бўйича муаммо ва ечимлар ёритилган.

Калит сўзлар: маҳсулот таннархи аудити, сифатни таъминлаш харажатлари аудити, сифатни баҳолаш, сифат таҳлили, унумдорлик, сифатни яхшилаш, сифатни аниқлаш, маҳсулот баҳоси, маҳсулот реализацияси, ташқи савдо.

Аннотация

В статье рассмотрены методология аудита по организации затрат связанным на качества продукции, себестоимость продукции, калькуляция, отраслевые особенности, проблемы и решения аудита затрат в области обеспечения качества.

Ключевые слова: аудит себестоимости продукции, аудит затрат на обеспечения качества, оценка и анализ качества, производительность, улучшение качества, определение качества, ценообразование продукции, реализация продукции, внешняя торговля.

Abstract

The article discusses the audit methodology for conducting costs related to product quality, production cost, calculation, industry features, problems and solutions of cost audit in the field of quality assurance.

Key words: product cost audit, audit of quality assurance costs, quality assessment and analysis, performance, quality improvement, quality assurance, product pricing, product sales, international trade.

Кириш

Мустақил аудиторлик фаолияти жаҳонда ўзининг беқиёс ўрнига эга. Сўнги йилларда дунё мамлакатларида аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизимини ташкил этувчи давлат аудити, аудиторлик фаолиятини назорат қилувчи органлар, ички аудит институтлари, халқаро профессионал ассоциациялар фаолияти такомиллашиб бориши эвазига соҳада фаолият юритаётган аудиторлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, "Сертификатланган жамоат бухгалтерлари ассоциацияси (The Chartered Association of Certified Accountants-ACCA)" 179 дан ортиқ давлатларда 700 мингга яқин, "Халқаро ички аудиторлар институти (The Institute

of Internal Auditors, IIA)” 150 дан ортиқ давлатларнинг аудиторлик фаолиятини тартибга солиш жараёнида фаол иштирок этувчи жамоатчилик ташкилотлари ва шунинг билан биргаликда ички аудит соҳасида банд бўлган 180 мингдан ортиқ аъзони бирлаштиради” [11].

Таъкидлаш жоизки, аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизимини такомиллаштиришда ривожланган мамлакатлар қонунчилиги ва илғор тажрибасини амалиётга жорий этиш, аудиторлик ташкилотлари ва аудит хизматлар бозорини таҳлил қилиш энг долзарб ва ўрганилиши зарур бўлган масалалардан саналади.

Жаҳон амалиётида иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизимини такомиллаштириш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Халқаро аудиторлик амалиётида олиб борилган тадқиқотлар натижасида тегишли ваколатли орган ва жамоат ташкилотлари томонидан аудиторлик ташкилотлари аудит текширувининг иш сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизимини ташкил этишсамарали механизмларини таркиб топтириш, мазкур тизимдаги турли поғоналар ўртасидаги функционал боғлиқлик ва изчилликни таъминлаш, давлат аудити, аудиторлик фаолиятини назорат қилувчи органлар, ички аудит институтлари, халқаро профессионал ассоциацияларнинг иш фаолияти меъёри стандартлари ўртасидаги ўзаро мувофиқликни таъминлаш, бозор иқтисодиётининг турли шароитларида аудиторлик ташкилот ва идоралари ўртасидаги устуворлик ҳамда бўйсунувчанлик тамойилларининг самарали ишлашини таъминловчи дастакларни йўлга қўйиш, аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизими концепциясини ишлаб чиқиш, халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда аудиторлик ташкилотларида иш сифатинитаъминловчи ички стандартларни қўллашни такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади.

Энди бевосита мамлакатимиз мисолида олиб қаралганда, Ўзбекистонда олиб борилаётган очиқлик ва шаффофлик сиёсати, шунингдек, иқтисодиётимизни жаҳон стандартлари асосида ривожлантириш, молиявий секторни рағбатлантириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш олдимизда турган вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар муносабати билан Қонучилигимизда белгилаб қўйилганидек, аудиторлик фаолияти аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик хизматларини кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти ҳисобланиб, бу фаолиятни амалга оширишнинг умумий механизми ва соҳага тегишли ташкилотлар томонидан алоҳида тақдим этилувчи аудиторлик хизматларнинг ўзаро боғлиқлигини шакллантириш ва тадқиқ этиш ушбу йўналишни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишидир. Бугунги кунга қадар бу масалага етарлича эътибор қаратилмаган. Хусусан, бозор тамойилларига асосланган ҳолда аудиторлик ташкилотларини танлаб олиш бўйича мавжуд чекловлар ва танловлар ўтказиш амалиёти кўп ҳолларда нарх борасида салбий рақобатни келтириб чиқаради, бунинг оқибатида аудиторлик хизматлари сифати ва ўз навбатида тақдим этиладиган аудиторлик ҳисоботи ҳамда хулосаларининг ҳаққонийлиги пасаймоқда. Шу муносабат билан, бу фаолиятнинг кўп поғонали тизимини шакллантириш орқали аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини

оширишнинг назарий ва услубий йўналишларини комплекс олиб бориш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бизга маълумки, бозор тамойилларига асосланган мамлакатларда фақатгина сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилишга кенг эътибор қаратилади бинобарин, ишлаб чиқариладиган маҳсулот харажатлари таркибида унинг сифат нормасини таъминлаш мақсадида қўшимча харажатлар вужудга келади. Бу харажатлар маҳсулот таннархига умумий ҳолатда яъни бошқача айтганда калькуляция моддаларида алоҳида акс эттирилмасдан киритилиб келинмоқда. Бундай харажатлар аудитини ўтказиш аудиторлар олдидаги ечимини кўтаётган масалалар сирасига киради. Шунинг учун муносабат билан ушбу соҳадаги тадқиқотлар доирасини кенгайтиришга илмий ва амалий қизиқиш ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги 274-сон “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 13 мартдаги 218-сон “Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга тақлифларимиз муайян даражада хизмат қилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ҳозирга қадар мутахассислар ўртасида аудит нимани ўзида намоён этиши, унинг мақсади, вазифа ва функциялари нималардан иборатлиги, аудит функциялари қай тарзда амалга оширилиши ва унинг усуллари қанақанги тартибда бўлишлиги тўғрисида баҳслар юзага келмоқда. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, юқоридаги масалаларни комплекс тарзда ҳал этмасдан туриб аудит тизими ва аудиторлик текшируви жараёнида ундан фойдаланиш имкониятини баҳолаш концепциясини белгилаб бўлмайди.

Энди бевосита сифат учун сарфланадиган харажатлар юзасидан аудиторлик текширув мониторинг ишларини ўтказишда бир қатор муаммолар пайдо бўлиши табиий. Бизга маълумки, сифат борасида кўпчилик иқтисодчи олимлар томонидан маҳсулот сифатини ошириш борасида кўплаб тавсия ва тақлифлар билдирилган бўлсада, аммо унинг аудит соҳасида амалга оширилиши зарур бўладиган ишларга тўхталиб ўтилмаган. Ҳозирги шароитда барча соҳаларда бўлгани каби sanoat корхоналарида ҳам бошқарув тизимини сифат учун сарфланадиган харажатлар бўйича ахборотлар билан таъминлаш жараёнини такомиллаштириш ҳамда молиявий таҳлилий ахборотларни тўплаш ҳисобланади. Бу ахборотлар сифат сарфлари бўйича барча харажатлар жумладан, маҳсулот ишлаб чиқаришда сифат харажатларининг салмоғи, сифат учун сарфланадиган маблағларнинг мавжудлиги ва бошқа шу каби маълумотларни ўз ичига олади.

Бозор муносабатлари шароитида маҳсулот сифатининг юқори бўлиши уларнинг рақобатбардошлилигини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Маҳсулот сифатининг юқори бўлиши жуда кўп омилларга боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида турли қўшимча сарф-харажатларни келтириб чиқаради. Сифат харажатларининг мазмун ва моҳиятини таърифлаш ва уларнинг ҳисобини юритиш бўйича иқтисодчи олимлар томонидан тули даврларда турлича фикрлар билдирилган (1-жадвал).

1-жадвал

“Сифатни таъминлаш харажатлари” тушунчасининг таърифлари

№	Манба	Таърифлар
1.	Шепетова С. [7].	Америкалик машҳур олимлар Дж. Джуран (Josep Duran) ва А. Фейгенбаум (Armand Fiegenbaum) биринчи марта сифатга эътибор бериб, сифатнинг белгиланган нормасига эришиш учун сифат нормаси билан сифат учун сарфланган харажатларни таққослаш лозимлигини эътироф этишганлигини ўз асарларида эътироф этган.
2.	Новиченко П.П., Попова Т.Д. [6].	Улар иқтисодий самарадорлик муаммоларининг келиб чиқиши сифатнинг ёмонлашувида намоён бўлишини таъкидлашган.
3.	Н.Д. Белый [1].	Собиқ Иттифоқ тизими даврларида сифат билан бевосита боғлиқ иқтисодий муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича ўзининг қарашларида маҳсулот сифатини бошқариш тизимини яратиш энг долзарб вазифа эканлигини қайд этган. Унинг фикрича, сифат билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олишда сифатни таъминлаш назарияси ҳам бошқа назариялар каби ўзининг хусусиятлари билан ўрганилиши лозим бўладиган жараёнлар тоифасига киришини таъкидлаган ҳолда асосий эътиборни сифатни бошқариш тизимига қаратган
4.	А.Шоалимов [8].	Саноат тармоқларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини ифодалашда турли кўрсаткичлар қўлланилиши, шунингдек сифат кўрсаткичлари маҳсулотнинг қандай тури учун мўлжалланганига боғлиқлиги хусусидаги фикрларни айтиб ўтган. Унинг фикрича, “Маҳсулот сифатини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар – ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг давлат стандартлари (ГОСТ), тармоқ стандартлари (ОСТ) ва техникавий шартларга (ТУ) мос келиши ҳисобланади”.
5.	Юсупова Д., Қодиров С. [10].	Товарларни сертификациялаш, стандартлаш ва сифатни бошқариш тизимларига тўхталиб ўтишган бўлиб, маҳсулот сифати тушунчаси, сифатнинг шаклланиши, сифатга таъсир этувчи асосий омиллар, маҳсулот сифатини тавсифловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш усуллари ва сифатни таъминлаш системаси шунингдек, сифатни бошқаришда стандартлаштиришнинг тутган ўрни, стандартларни илмий ташкил этиш принциплари, стандартлаштиришнинг назарий асослари ва иқтисодий самарадорликни баҳолаш масалаларига эътибор қаратишган.
6.	Беляев В.С. [2].	Сифатни таъминлашда назорат кучайтирилиши лозим - деб ҳисоблаган.
7.	Умиркулов Б. [9].	Сифат учун сарфланадиган харажатларни ҳар бир харажат

		моддалари бўйича алоҳида ишчи счетларда ҳисобга олиш зарур ва бу йўл орқали сифат учун сарфланган харажатларнинг тури ва салмоғи алоҳида кўзга ташланади.
8.	Кричевский С. [3].	Сифатни режалаштиришга кўпроқ эътибор бериб, маҳсулот сифатини таъминлашнинг режали системасини ишлаб чиққан. Яъни у сифат бўйича илмий-техник, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий факторларга боғлиқ жараёнларни кетма-кетликда гуруҳларга ажратган.
9.	Минин Б.А. [5].	Сифатнинг таҳлил жараёнига тўхталиб ўтиб, “Юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун сифатни тўғри таҳлил қилиш лозим” - деб ҳисоблаган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг илмий ишланмалари хорижий амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиб, эътибор асосан хўжалик субъектларида маҳсулот сифатини оширишга доир харажатларни умумлаштирилган ҳолда ҳисобга олиниши ва таҳлил, аудит масалаларида умумий ёндашувларга асосий эътибор қаратилган, шунингдек ушбу масалаларнинг айрим томонларини такомиллаштиришга доир илмий ва услубий ишлар амалга оширилган. Бироқ, юқорида санаб ўтилган иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида маҳсулот сифатини ошириш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар берилган бўлсада, екин, бозор муносабатлари шароитида корхона ишлаб чиқарган маҳсулотларининг сифати билан рақобатлаша олишини, шунингдек маҳсулот сифати реализация жараёнига ижобий таъсир этиши ва пировард натижада корхона кўрадиган фойдада айнан сифат билан боғлиқ харажатлар улушини аниқлаш борасида аниқ қўйилган мақсадларни амалга оширишда аудиторлик текширувини ташкил этиш бўйича қарашлар етарлича кўриб чиқилмаган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархида сифат билан боғлиқ харажатлар салмоғини аниқлаштириш мақсадида аудиторлик текширувидан ўтказишни ташкил этиш йўналишлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, тадқиқот ишини бажаришда кузатиш, маълумотларни тўплаш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш асосида сифат бўйича аудиторлик текширувига қаратилган хулосалар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар

Сифатни ошириш бўйича қўйилган мақсадларнинг барча муаллифлар томонидан таъкидлаб ўтилган ўзига хос хусусиятлари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. корхонани янада самарали бошқариш;
2. корхона ва унинг мулкдорлар учун сифат бўйича тезкор ахборотларни етказиш;

3. корхонанинг жорий мақсадларини аниқлаш ва келгусида бажарилиши лозим бўлган истиқболли режалаштириш ишларини олиб бориш ва бошқалар. Барча мақсадлар, шубҳасиз, маълум маънога эга, аммо харажатлар элементлари нуқтаи назаридан улар ҳал қилувчи аҳамият касб этмайди.

Маҳсулот сифати билан боғлиқ бўлган барча харажатларни аудиторлик текширувидан ўтказишда бу харажатлар калькуляцияда алоҳида моддаларда акс эттирилмаганлиги боис аудиторлар олдида бир қатор муаммолар вужудга келади. Шунинг учун ҳам аудитор сифатни таъминлаш харажатларини аниқлаштириб олишлари зарур. Бизнингча, аввало аудитор бу харажатларни қуйидаги тўртта турга ажратиш олиши лозим бўлади (2-жадвал).

2-жадвал

Сифатни таъминлаш билан боғлиқ харажатларни гуруҳларга ажратиш

№	Харажатлар номи	Харажатлар таркиби
1.	Илмий – техник харажатлар	Аудитор томонидан маҳсулотни ишлаб чиқариш боғланган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини назорат қилиш, яъни бошқача қилиб айтганда аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда сифатни таъминлаш харажатлари миқдорининг ўсишини аниқлаш.
2.	Бошқарув харажатлари	<p>Бу харажатлар буюмнинг сифат кафолати билан боғлиқ бўлиб, аудитор қуйидаги харажатларни аниқлаштириши зарур бўлади:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Транспорт харажатлари (хом ашё, бутловчи буюмлар ва тайёр маҳсулотларни ички ва ташқи ташиш харажатлари) яъни, маҳсулотнинг сифати таъминланган ҳолда буюртмачига етказиш харажатлари; 2. Таъминот харажатлари (хом ашё, бутловчи қисмларнинг тури, сони ва сифати бўйича режа асосида сотиб олиш харажатлари); 3. Ишлаб чиқаришда сифатни назорат қилувчи бўлинмаларга ажратиладиган харажатлар; 4. Маҳсулот сифатига алоқадор хизмат ишлари билан боғлиқ бўлган иқтисодий харажатлар (сифатни таъминлашда иштирок этувчи ходимлар хизмати учун ҳисобланадиган иш ҳақи ва иш ҳақи билан боғлиқ бўлган ижтимоий солиқ тўловлари); 5. Маҳсулот сифатини таъминлашда турли даражада таъсир этувчи бошқарув аппаратининг бошқа хил фаолиятлари билан боғлиқ харажатлар.
3.	Ишлаб чиқариш харажатлари	<p>Бу харажатларни моддий техник ва меҳнат харажатларига бўлиш мумкин. Чунки, буларнинг барчаси маҳсулот қийматига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Агар маҳсулот сифатидаги харажатларга бошқарув харажатларининг ўсиш салмоғи шартли равишда деб қаралса, ишлаб чиқаришга сарфланган моддий харажатлар тўғридан-тўғри сифатга таъсир кўрсатади.</p> <p>Аудитор маҳсулот сифатини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш харажатларини қуйидаги иккита гуруҳга бўлиш орқали мукамал аниқлаштириши мумкин деб ҳисоблаймиз:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Сифатли янги маҳсулот турини ишлаб чиқариш, унга қўшимча ишлов бериш, ўзлаштириш ва вужудга келувчи базавий харажатлар. Бу харажатлар бутун ишлаб чиқариш даврида амал қилади. 2. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида йўқотилган сифат даражасини тиклаш мақсадида сифатни яхшилаш билан боғлиқ

		<p>бўлган бошқа харажатлар. Базавий харажатларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиш қийматини, шунингдек белгиланган смета харажатлари бўйича аниқ маҳсулот турини тайёрлаш билан боғлиқ умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатларини ўзида акс эттиради.</p>
4.	Қўшимча харажатлар	<p>Маҳсулот сифатини белгилаш ва сифат бузилишининг олдини олиш мақсадида эҳтиёт чораларини кўриш бўйича сарфланган қўшимча харажатларни аниқлаш.</p>

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, сифат билан боғлиқ бу харажатларни калькуляция моддаларида алоҳида акс эттирилмаслиги аудиторлик текшируви даврида аудиторларга муаммо туғдиради. Шунинг учун ҳам ҳисобчилар томонидан маҳсулот калькуляциясида бу харажатларни алоҳида моддаларда киритишлари зарур деб ҳисоблаймиз.

Илмий мақоламизнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, биз сифатни таъминлаш билан боғлиқ харажатлар аудити бўйича қуйидагича таъриф киритамиз: “маҳсулот сифати харажатлари бўйича аудит текшируви бу - ҳар бир харажат моддалари бўйича алоҳида счетларда ҳисобга олинганлигини, бажарилган ишларнинг бошқарув томонидан қонун ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилишини, сифат билан боғлиқ хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидаларига риоя этилишини текшириш ҳамда бу тўғрида ички ва ташқи фойдаланувчилар учун ҳаққоний маълумотлар етказиб берувчи тизим”.

Хулоса ва таклифлар

1. Амалдаги ҳисоб тизимининг камчиликларидан бири сифат билан боғлиқ харажатларни тезкор ва жорий назорат қилиш учун синтетик ва аналитик счетлар орқали ўзаро боғланишини таъминловчи услубий асослар ишлаб чиқилмаган. Бу эса аудиторлик текшируви даврида сифат бўйича сарф харажатларни аниқлаштришда муаммолар келтириб чиқаради. Давлат органлари, мулкдорлар, кредиторлар, юқори ташкилотлар ва бошқа бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланувчиларнинг манфаатларини тўлароқ қондириш мақсадида сифат билан боғлиқ харажатлар ҳисобини тартибга солиш корхоналар томонидан ишлаб чиқиладиган ҳисоб сиёсатида акс эттирилишига эътибор қаратилиши зарур деб ҳисоблаймиз.

2. Аудитор сифат учун сарфланган харажатларни текширувдан ўтказиш давомида маҳсулот сифатига алоқадор хизмат ишлари билан боғлиқ бўлган иқтисодий харажатлар жумладан, сифатни таъминлашда иштирок этувчи ходимлар хизмати учун ҳисобланадиган иш ҳақи ва иш ҳақи билан боғлиқ бўлган ижтимоий солиқ тўловлари, асосий воситаларга ҳисобланадиган эскириш суммалари, сифати тез бузиладиган маҳсулотларнинг сақланиш жойларини кўздан кечириши ва сақлаш учун сарфланган харажатлар (масалан электр-энергия харажатлари) каби сарфларни аниқлаши зарур.

3. Ички аудит тузилмасига эга бўлган саноат корхоналари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга сарфланган сифат харажатлари бўйича ички аудит ишлари режасига киритиш асосида кейинги босқичларда реализация жараёни, корхона

кўрадиган фойда миқдори бўйича олдиндан прогноз маълумотларни кузатув кенгашига тақдим этиш масаласини жорий этиш ҳам биз ўйлаймизки, корхона истиқболи учун муҳим қадам ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонуни (Янги таҳрири). Ўзбекистон Янги қонунлари. – Т.: Адолат, 2020.
2. Белый Н.Д. Качество продукции предприятий Узбекистана в современных условиях Т.: «НИИИТ», 1998. - 38 с.
3. Беляев В.С. Как управляют качеством М.: “Московский рабочий”, М.: 1987. - 156 с.
4. Ибрагимов А.К., Каримов А.А. “Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби”. – Тошкент Ўзбекистон, 2015. – 144 б.
5. Кричевский С.Ю. Планирование качества продукции М.: “Экономика”, 2015. - 83 с.
6. Khalmurzaev, Mansur. "The Role of Investment Projects In The Economy of Uzbekistan." International Journal of Progressive Sciences and Technologies 30.1 (2021): 268-272.
7. Минин Б.А. Качество – как его анализировать М.: “Финансы и статистика”, 2019. - 96 с.
8. Новиченко П.П., Попова Т.Д. Учет затрат на улучшение качества продукции М.: “Финансы и статистика”, 2016. 103-с.
9. Окрепиллов В.В. Управление качеством М.: «Экономистъ», 2018. 639-с.
10. Шепетова С.Е. Менеджмент и экономика качества М.: URSS, 2006. - 485 с.
11. Шоалимов А. Саноат корхоналари хўжалик фаолияти таҳлили ўқув қўлланма Т.: “ФАН”, 2008. - 296 бет
12. Umirkulov B. “Issues of organizing audit of quality costs” International Journal of Management, IT & Engineering Vol. 9 Issue 7, July 2019, U.S.A. 133-141 p.
13. Юсупова Д., Қодиров С. Сертификациялаш, стандартлаш ва сифатни таъминлаш ўқув қўлланма “ТТЕСИ”, 2006. 130 - б.
14. <http://www.uzaudit.uz> - Ўзбекистон аудиторлар Палатаси расмий сайти
15. <http://www.naaa.uz> - Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий ассоциацияси расмий сайти